

**Ахборот-коммуникация технологияларини  
ривожлантириш жамғармаси фаолиятини  
тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий хужжатлар  
тўғрисида ўқув семинари**

## **Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ҳақида**

Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот тизимлари соҳасини қайта ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” **1997 йил 23 июлдаги ПФ-1823-сон** Фармониға мувофиқ собиқ Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳузурида почта ва телекоммуникацияларни давлат йўли билан қўллаб-қувватловчи бюджетдан ташқари жамғарма сифатида ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида” **2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон** Фармони билан Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бюджетдан ташқари жамғармасининг номи Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармаси деб ўзгартирилган.

Жамғарманинг бугунги кунда амалдаги низоми, ташкилий тузилмаси, Кенгаши таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасини янада ривожлантириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш тўғрисида” **2012 йил 19 декабрдаги 356-сон** қарори билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига киритиладиган давлат мақсадли жамғармаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” **2019 йил 19 ноябрдаги 917-сон** қарори билан Жамғарма Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига кирадиган давлат мақсадли жамғармасига айлантирилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” **2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон** қарорига мувофиқ Жамғармада электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисоб рақам очилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасини янада ривожлантириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш тўғрисида” 2012 йил 19 декабрдаги 356-сон қарори билан тасдиқланган “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида”ги Низомга асосан, **Жамғарманинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:**

**а)** белгиланган манбалардан тушган маблағларни жамлаш;

**б)** ҳисоб рақамларида жамланган маблағлардан:

- давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг идоралараро интеграциялаштирилган ахборот тизимларини жорий этишни, маълумотлар узатишнинг идоралараро тармоқларини ташкил этишни, “Электрон Ҳукумат” тизимларини ва қидириш тизимларининг миллий сегментини шакллантириш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва кузатиб боришни;

- халқаро стандартларга мувофиқ ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболларини ҳисобга олган ҳолда алоқа, телевидение ва радиоэшиттириш соҳасида телекоммуникация тармоқлари ва тизимларини ривожлантириш ва модернизация қилишни;

- Интернет тармоғининг миллий сегментини шакллантиришни, турли йўналишдаги замонавий маҳаллий ахборот ресурсларини, шу жумладан аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг ахборотга бўлган ва интеллектуал эҳтиёжларини қондириш учун тармоқ ресурсларини шакллантиришни;

- давлат ахборот ресурслари ва маълумотлар базасини шакллантириш, сақлаш ва улардан фойдаланишнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва кузатиб боришни;

- алоқа, ахборот-коммуникация технологиялари, республиканинг бутун ҳудудида маълумотларни узатиш миллий ва халқаро ахборот тармоқларидан юқори тезликда фойдаланиш соҳасида хизматларнинг янги турларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни;
- алоқа, компьютер ва тармоқли технологиялар, дастурлаштириш ва электрон маълумотлар базасини яратиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ривожлантиришни, шунингдек компьютер ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга асосланган ўқитиш тизимини;
- Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ва Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб фаолиятини ходимларни қўшимча равишда моддий рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан;
- Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимига кирувчи телекоммуникация ва ахборот тизимлари устидан бошқариш ва назорат қилиш органларини, шунингдек алоқа объектлари давлат кадастри хизматлари, электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатдан ўтказиш марказлари фаолиятини, терминология ва луғатларни, стандартлаштириш бўйича базавий ташкилотларни ва базавий метрологик хизматни, шунингдек ахборотлаштиришни жорий этиш ва ривожлантириш бўйича мустақил даромад манбаига эга бўлмаган хизматларни ривожлантиришга кўмаклашишни;
- ахборот ва почта хавфсизлиги, телекоммуникация тармоқлари тизимини, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилиш технологияларини жорий этишни, замонавий талаблар ва стандартларга мувофиқ ахборот ва почта хавфсизлигини таъминлаш бўйича техник инфратузилмани ривожлантиришни;
- танлов асосида танлаб олинган алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасини реконструкция қилиш, уларни ривожлантириш ва компьютерлаштириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни;

# ICT | Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini FUND rivojlantirish jamg'armasi

- танлов асосида танлаб олинган алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасини реконструкция қилиш, уларни ривожлантириш ва компьютерлаштириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни;
- эфирга рухсат берилмаган чиқишларнинг ва давлат тузилмалари радио воситаларига тўсқинлик қилишнинг олдини олиш мақсадида радио частота спектридан фойдаланиш устидан давлат назорати учун махсус назорат-ўлчов техникаси сотиб олиш харажатларини қисман қоплашни;
- ахборот-коммуникация технологияларининг сифатли воситаларини ва маҳаллий дастурий маҳсулотларни, шу жумладан ижтимоий-кўнгилочар ва таълим йўналишидаги дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни;
- қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатувчи алоқа, радиоэшиттириш ва телевидение ташкилотларига вақтинча молиявий ёрдам беришни;
- Ўзбекистон Республикасининг қишлоқлари ва чекка аҳоли пунктларининг телекоммуникация инфратузилмасини мақсадли қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантиришни;
- операторлар ва провайдерлар томонидан кўрсатиладиган универсал алоқа хизматларини ривожлантиришни;
- дастурлаштириш, тизимли маъмуриятчилик, компьютер дизайни, анимациялар ва ахборот технологияларининг бошқа йўналишлари бўйича танловлар, мусобақалар ва беллашувлар ўтказиш йўли билан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида мутахассислар фаолиятини рағбатлантиришни;
- лицензиялар берилганлиги, абонент рақамидан фойдаланганлик учун мобиль алоқа операторлари томонидан тўланадиган тўлов, алоқа соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслардан олинган жарима санкцияларининг ундиришдан тушган маблағлар суммасининг 2 фоизи миқдорида давлат божи Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Ахборот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш жамғармасига ажратилиши бўйича харажатларни молиялаштиришда фойдаланиш;

- электрон тижорат соҳасида давлат миқёсидаги ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва қўллаб-қувватлаш;
- “Хавфсиз шаҳар” ягона аппарат-дастурий комплексини яратиш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда уни янада ривожлантириш;
- Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда зарурат бўлганда Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга қўмаклашиш маркази фаолияти;
- ҳудудларда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш дастурларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган манзилли рўйхатга киритилган устувор лойиҳаларнинг амалга ошириш;
- белгиланган тартибда ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида халқаро консалтинг компаниялари ва экспертларни жалб қилиш, ўзининг IT-инфратузилмасини ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ходимларини, шунингдек, давлат органлари бўлинмаларининг ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарларини моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ва “Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази” давлат муассасаларининг жорий таъминоти, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг ходимлари меҳнатини қўшимча моддий рағбатлантириш бўйича ажратиладиган харажатлар ҳамда “Бинологдан фойдаланиш ва капитал қурилиш дирекцияси” давлат муассасаси фаолиятини молиялаштириш.

## Жамғарманинг мажбуриятлари:

- ресурслардан самарали фойдаланилишини таъминлашга;
  - маблағлар тушуми ва сарфланиши ҳисоби ва ҳисоботини юритишга;
  - ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тугаган давр учун Жамғарма фаолияти тўғрисида ёйма ҳисобот тақдим этишга;
  - Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан назорат қилишга;
  - ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа хизматларининг барча турларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашишга;
  - ҳар йилнинг 1 декабридан кечикмай чораклар, тушум манбалари ва харажатлар йўналишлари бўйича навбатдаги йилга прогноз бюджетни тузишга ҳамда уни Жамғарма Кенгаши тасдиқлаши учун киритишга;
  - ҳар бир календарь чоракдан кейин йигирма кун мобайнида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тугаган чорак учун молия-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этишга мажбурдир.
- Жамғарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун билан тасдиқланадиган бюджет параметрларига мувофиқ амалга оширади.

## **Амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шаклланади**

### **Асосий ҳисоб рақам**

- телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилганлиги учун давлат божи тўлашдан тушувчи маблағларнинг 50 фоизи;
- мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўловдан тушган маблағлар (мажбурий ажратмалардансўнг қолган қисми);
- алоқа соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, стандартлар, кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилганлиги учун мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар, алоқа соҳасида фаолиятни амалга ошираётган юридик шахслардан жарима жазолари сифатида ундириладиган маблағларнинг 45 фоизи
- Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ банк депозитлари шаклида ва бошқа шаклларда жойлаштиришдан тушган даромадлар;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек халқаро ташкилотларнинг хайриялари.

### **Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисоб рақам**

- мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўлов суммасининг тақсимлангунига қадар бўлган 35 фоизи;
- Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўланган давлат божлари, йиғимлар ва барча турдаги тўловларнинг 11,25 фоизи,
- Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун тўланган давлат божлари ва бошқа тўловлардан тушадиган маблағларнинг 0,5 фоизи;
- қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа даромадлар.



Ҳозирги кунда Жамғарманинг ҳисобрақамига келиб тушадиган маблағлар ҳисобидан **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган меъёрларга мувофиқ қуйидагича тақсимланади:**


- электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобрақамга -абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўлов суммасининг тақсимлангунига қадар бўлган **35 фоизи** (ПҚ-4699);
- Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармасига - абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўлов суммасининг **19 фоизи** (ПҚ-3973, ПҚ-4086);
- ТАТУ қошидаги Илмий-инновацион ривожлантириш жамғармасига абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўлов суммасининг **1 фоизи** (ПҚ-2834, ПҚ-3454, ПҚ-4086);
- Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Аxbорот-кутубхона муассасаларини ривожлантириш жамғармасига - Жамғармага тушадиган маблағларнинг **2 фоизи** (ПҚ-1729).

Жамғарма маблағлари ҳисобидан **12 та корхона** ва ташкилотларнинг тасдиқланган **харажатлар сметасига** асосан молиялаштирилиб келинмоқда.

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (ПҚ-3549 19.02.2018 й.);
2. Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси (ПҚ-4452 14.09.2019 й.);
3. “Ахборот технологиялари ва ахборот ресурсларини ривожлантириш маркази” ДУК (ПҚ-4452 14.09.2019 й.);
4. “Киберхавфсизлик маркази” ДУК (ПҚ-4452 14.09.2019 й.);
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази (ПҚ-4366 27.06.2019 й.);
6. Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази “UNICON.UZ” ДУК (ВМҚ-356 19.12.2012 й.);
7. “Хавфсиз шаҳар” жамоат тартибига кўмаклашиш маркази (ВМҚ-356 19.12.2012 й.);
8. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси (ВМҚ-356 19.12.2012 й.);
9. Ўзбекистон Республикаси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб (ПҚ-3274 14.09.2017 й.);
10. “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ (ВМҚ-17 10.01.2019 й.);
11. “Бинолардан фойдаланиш ва капитал қурилиш дирекцияси” давлат муассасаси (ВМҚ-409 25.06.2020 й.);
12. “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси (ВМҚ-409 25.06.2020 й.).

## Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган вазифалар ва лойиҳалар:

- **“E-Ijro Aukcion”** - электрон тизими
- **“E-XAT”** - ҳимояланган элетрон почта тизими
- **ijro.gov.uz** - ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими
- **“E-qaror”** - Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизими




- **“Mening fikrim”** jamoatchilik tashabbuslari yagona platformasi.
- Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришга оид лойиҳалар.
- Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими ва Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини янада такомиллаштириш

 **MENING  
FIKRIM**



# ICT FUND | Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish jamg'armasi

- “Ўзбекистон Республикаси Депутатлар портали”ни яратиш
- Ўзбекистон Республикаси Электрон парламент тизimini яратиш
- Давлат ахборот тизимларини кузатиш, техник қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш
- Ахборот-таҳлилий, маънавий-маърифий ва маданий-гуманитар телеканалларини хорижий давлатларда телерадиокомпаниянинг ОТТ платформасини (Интернет тармоғи орқали теледастурларни намойиш этиш тизimini) ишга тушириш лойиҳаси



# ICT FUND | Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish jamg'armasi



ИТ Парк ҳудудида  
қурилаётган биноларга  
киритилаётган инвестиция  
маблағлари



ИТ Парк  
маъмурий биноси



ИТ Парк  
Тошкент шаҳар  
филиали



Муҳаммад ал-Хоразмий  
номидаги АКТга  
ихтисослаштирилган мактаб



Тошкент шаҳридаги  
Амити Университети

Эътиборингиз учун раҳмат!